ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“УМУМИЙ МАТЕМАТИКА” КАФЕДРАСИ

5460100- МАТЕМАТИКА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР
ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН
СУЛАЙМОНОВ ЎТКИР САЙФУЛЛА ЎҒЛИ

ЎРТА МАХСУС МУАСАСАЛАРИДА МАТЕМАТИК АНАЛИЗ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

МАВЗУСИДАГИ

Битирув малакавий иши

ИЛМИЙ РАҲБАР: ЎҚ.КУРБАНОВА Х.

ГУЛИСТОН – 2014

Мундарижа:

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги:Ўрта махсус муассасаларида математикани ўқитиш курсига функция, кетма – кетлик, узлуксизлик, ҳосила ва интеграл тушунчаларини ўрганиш киритилган

Функция тушунчаси математиканинг муҳим тушунчаларидан ҳисобланади. Функция тушунчасини мазмун ва моҳиятига етмаслик математиканинг деярли барча тушунчаларини ўрганишда катта муаммо яратади.

Функция тушунчаси бошланғич синфдан бошлаб, ошкормас ҳолда ўрганилади. Бунда содда мазмунли нарх наво билан боғлиқ масалалар орқали функция тушунчаси шакллантирилади.

Функция тушунчасини замонавий педагогик технологияларга асосланиб ўрганиш учун бу тушунчага оид ўқув материалини қайта тузиш ва унга мос бўлган замонавий технологияларни топиш лозим бўлади

Ҳосила тушунчасини ўрганиш лимит ва узлуксизлик тушунчасини ўзлаштирилиши билан чамбарчас боғлиқ.

Агар функция лимити ва узлуксизлиги ўқувчи томонидан чуқур англанилмаса у ҳолда ҳосила тушунчаси юзаки қабул қилинди. Функция ҳосиласини қоидага кўра ўқувчи топа олгани билан унинг маъносини тушунмайди. Худди шунингдек интеграл тушунчаси бевосита ҳосила тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлганлигидан ўқувчи ҳосилани чуқур ўзлаштирилиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса ҳосила ҳақидаги маълумотлар тез – тез қайтарилиб турилиши ва ҳар доим ҳосила ҳақидаги маълумотлар кенгайиб борилиши лозим.

Интеграл тушунчаси функция, кетма – кетлик, лимит, узлуксизлик, ҳосила каби математик анализнинг асосий тушунчалари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади.Интеграл тушунчаси ҳосила тушунчасига тескари амал сифатида киритилади. Ҳосила ва интеграл тушунчаларининг ўқитиш методикаси олий математика курсидагига ўхшаш бўлиб, фақат хажм жиҳатдан камроқ берилган.

Ўрта махсус муассасаларида математик анализ элементларини урганиш мавзусида тайёрланган ушбу битирув малакавий иш функция, ҳосила ва интеграл тушунчаларини янги педагогик технология элементларидан фойдаланиб ўқитиш технологиясига асосланган.Ушбу тадқиқот битирув малакавий иш мавзусини долзарблигини асослайди.

1. **Тадқиқот мақсади.** Урта махсус муасасаларида математик анализ элементларини урганишни модулли технологияга асосланган ўқитиш технологияларини топиш.
2. **Тадқиқот муаммоси.Функция, ҳосила ва интеграл** тушунчаси мазмунини қайта тузиш орқали унга мос бўлган модулли ўқитиш технологияларини яратиш.
3. **Тадқиқот объекти.** Ўқув дастурлари, ўқув адабиётлари,функция, ҳосила ва интеграл тушунчаси мазмуни уни ўқитиш методикаси ва таълим жараёнлари.
4. **Тадқиқот предмети.** Функция, ҳосила ва интеграл тушунчасини модулларга ажратилган ҳолдаги ўқитиш мазмуни ва методларини ўрганиш.
5. **Тадқиқот фарази (гипотезаси) ва ҳимояга олиб чиқиладиган холатлар.** Таълимда педагогик технологияларни қўллаш учун мавжуд адабиётлардаги урта махсус муасасаларида математик анализ элементларига оид ўқув материалини модулли ўқитиш технологияларига мослаштириш таълимда самарадорликни оширади.
6. **Тадқиқот вазифалари.** Ўқув адабиётлардаги математик анализ элементларига оид ўқув материали ва ўқитиш методикасини тахлил қилиш, замонавий педагогик технологияларни қўллашга мослаштирилган янги мазмун тузиш ва унга мос ўқитиш технологияларни топиш.

7. **Тадқиқот янгилиги (илмийлиги).Функция, ҳосила ва** Интеграл тушунчаларини модулли ўқитиш технологиясини яратиш.
8. **Фан учун аҳамияти.** Келажакда математика фани янги авлод дарсликлари мазмуни учун наъмуналар яратиш.
9. **Амалиёт учун аҳамияти.Функция, ҳосила ва интеграл** тушунчасига оид назарий, амалий, мустақил ишлар, кичик гуруҳлар фаолияти, жамоавий таълим учун яхлит лойиҳа яратиш.

I – боб. Математик анализ тушунчаларини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари.

1.1. Функция тушунчасини шакллантириш усуллари

Функция тушунчасини киритиш методикаси

Функция тушунчаси бошланғич синфдан бошлаб ошкормас ҳолда шакллантирилади. Бунинг учун содда текстли масалалар берилади. Кейинчалик ўзгарувчи ифодалар ва улар устида амаллар ёрдамида шакллантирила борилади. Мисол учун $2x^2y,\quad 4\mathrm{a}^2-b(a+3b), \frac{\mathrm{a}^2}{a-3}, \frac{\mathrm{x}^2-1}{8}, 9x-\frac{1}{2}$ ифодалардаги ҳарфлар ўрнига қийматлар бериш, ифоданинг қийматини топиш а) $x+\frac{8}{x-1}$, бунда $x=\frac{1}{2}$; б) $\frac{y+3}{y}-\frac{y}{y-3}$ бунда $y=1{,}5$ каби мисолларни ишлаш орқали ҳам функция тушунчаси шакллантирилади. Узунлик, юза, хажмларни топишга доир масалалар ечилади. Икки тўплам орасидаги мослик ва муносабат тушунчалари орқали функция тушунчаси ойдинлаштирила борилади. Икки миқдор орасидаги боғланишларни графларини чизиш функция тушунчасини шаклланишига катта ёрдам беради.

Функция жадваллари ёрдамида сўнгра график ёрдамида тасвирлари берилади. Мисол учун $y=\frac{3x+6}{x-2}$ ифодада x ва y ўзгарувчилар орасидаги боғланишни жадвалда кўрсатинг. Ёки ифода x ўзгарувчининг қандай қийматларда маънога эга эмас ва ҳаказо. Тенгламаларни ечиш, тенгсизликларни ечиш ва уларни ечимларини график усулда топиш ҳам функция тушунчасини шакллантирилишига ёрдам беради. Функция тушунчасига ўқувчини тайёрламасдан функция ҳақида кутилган натижа олиш мумкин эмас. Шу туфайли функция тушунчаси пропудиктив ишлар олиб борилади. Функция тушунчасини тўлиқ тасаввур қилиш учун сон ва ўзгарувчи миқдор тушунчаси ҳақида тўлиқ маълумот бериш лозим. Ҳақиқий сонлар тўплами ва унинг асосий хоссалари ўрганилади. Шундан сўнг ўзгармас ва ўзгарувчи миқдорлар тушунчаси берилади. Бу мавзуларга оид машқлар ечилади. Ўзгарувчи миқдорнинг аниқланиш соҳаси ва қийматлар тўплами, ўсувчи, камаювчи ва чегараланган ўзгарувчи миқдорлар ҳақида тушунча берилади. Шу тарзда функция тушунчаси шакллантирилади. Ундан сўнг функция тушунчаси ўрганилади.

Функция тушунчаси турлича ўрганилади. Мактаб курсида ўзгарувчи миқдорлар ҳақида тушунча берилиб, сонли функция тушунчаси киритилади. Функциялар ва уларни графиклари мактаб курсида ошкор ҳолда ўрганилади. Функциялар ва уларнинг графиклари мавзусида: функция нима?, функциянинг қийматларини формула ёрдамида хисоблаш, функциянинг графиги ўрганилади.

Чизиқли функция мавзусида: чизиқли функция ва унинг графиги, тўғри пропорционалник, чизиқли функциялар графикларининг бир – бирига нисбатан жойлашиши каби мавзуларда функция ҳақидаги тушунча ривожлантирилади. Функция тушунчаси жадвал усулда, аналитик усулда (формула), график усулда берилади. Дастлаб, функцияни оғзаки яъни икки ўзгарувчи миқдор орасидаги боғланиш сифатида, сўнгра икки тўплам элементлар орасидаги мослик ва муносабат каби Эйлер Виен диограммалари ёрдамида геометрик тасвирлаш ўқувчиларни функция таърифини тўғри ўрганишга ёрдам беради. Сўнгра функцияга таъриф берилади.

Ўқувчига функция тушунчасига берилган таъриф осон ва содда усулда берилиши, сўнгра уни тўпламлар назарияси асосида таърифини бериш мақсадга мувофиқ. Функция тушунчасини ўрта мактабда ўрганиш мазмуни ва методикаси анъанавий ўқитиш методикасига асосланган. Дарсликлардаги ўқув материалини педагогик технологияларга асосланиб ўтиш бир қатор муаммолар яратади. Ушбу тадқиқотда функция тушунчасини замонавий технологиялар асосида ўрганиш тадқиқот қилинган.

1.2. Ҳосила тушунчасини шакллантириш муаммолари. Ҳосила тушунчаси мазмуни ва уни ўқитиш методикаси

Ҳосила тушунчасини шакллантириш функция тушунчаси билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. 1) $\frac{\Delta y}{\Delta x}=\frac{f(x)-f(x_0)}{x-x_0}$ кўриншдаги айирмали муносабатларга оид машқлар ечилади. 2) $\frac{\Delta s}{\Delta t}=\frac{s-s_0}{t-t_0}$ муносабатга оид машқлар. Бунда моддий нуқтанинг ҳаракат қонуни берилган бўлса, берилган вақт моментида унинг тезлигини топиш масалаларига оид машқлар бажарилади. Бу келажакда ҳосиланинг механик маъносини билдирувчи оний тезликни топиш масаласига олиб келади. 3) Уринманинг бурчак коэффиценти $k=tg\alpha$ ни топиш масаласи. Яъни $y=f(x)$ эгри чизиқнинг $A(x_0;y_0)$ нуқтасига ўтказилган уринманинг Ox ўқи билан хосил қилган бурчак коэффицетини топиш. $k=tg\alpha$ ни топиш лозим. Бу уринма тўғри чизиқ бўлганлиги учун унинг тенгламаси $y=kx+b$ кўринишда бўлади. 4) Функция лимити ва узлуксизлиги ҳақида тушунчани такомиллаштириш талаб этилади. Функциянинг узилиш нуқталари ва қутблари ҳақида маълумотлар ойдинлаштирилади. 5) Функция орттирмаси, аргумент орттирмаси, функциянинг орттирилган қиймати, $\frac{\Delta y}{\Delta x}=\frac{f(x)-f(x_0)}{x-x_0}$ муносабатни топиш ва бу муносабатнинг лимитини топишга оид машқлар ҳосила тушунчасини шакллантиради. 6) e сони ва натурал логарифм. 7) ажойиб лимитлар ҳақида тушунча ойдинлаштирилади.

Ҳосила тушунчасини ўқитиш методикаси қуйидагича амалга оширилади. 1) Функцияни узлуксизлиги ва узилиш нуқталари ҳақидаги маълумотларни ойдинлаштириш. 2) $y=f(x)$ функция тушунчаси ойдинлаштирилади. Функциянинг аниқланиш соҳаси, қийматлар тўплами такрорланади. Чегараланган ва чегараланмаган функциялар ҳақидаги маълумотлар ойдинлаштирилади. 3) Функция орттирмаси, $\lim \frac{\Delta y}{\Delta x} = \frac{f(x) - f(x_0)}{x - x_0}$ ифодани $\Delta x \to 0$ га лимити текширилади, лимитни қийматига мос ҳолда ҳосила таърифи берилади. 4) Ҳосилаларни хисоблаш қоидалари ўрганилади. 5) Элементар функцияни ҳосилалари ўрганилади. 6) Функцияни дифференциалланувчанлиги ва дифференциалини топиш. 7) Дифференциал хисобнинг асосий теоремалари ўрганилади. 8) Ҳосилалар ёрдамида функцияларни текшириш ва тақрибий хисоблаш масалалари қаралади.

Ушбу битирув малакавий ишда ҳосилани тадбиқи қаралмайди. Ўрта махсус ва касб – хунар ўқув юртларининг алгебра ва математик анализ асослари курсида ҳосила тушунчаси ўрганилади. Бу тушунча анъанавий ўқитиш методикасига асосланиб ўрганилади. Ушбу тадқиқотда ҳосила тушунчасини педагогик технологияларга асосланиб ўрганиш тадқиқот этилган.

1.3. Интеграл тушунчасини ўрганишни шакллантириш усуллари

Интеграл тушунчасини ўрганиш мазмуни ва методикаси

Интеграл тушунчасини ўрганиш учун функция, кетма – кетлик, лимит, узлуксизлик, аргумент орттирмаси, функция орттирмаси, функциянинг орттирилган қиймати, ҳосиланинг таърифи, ҳосиланинг геометрик маъноси, ҳосиланинг механик маъноси, ҳосилани хисоблаш қоидалари, элементар функцияларнинг ҳосилалари, функциянинг дифференциалланувчанлиги, мураккаб функция, мураккаб функция ҳосиласи, юқори тартибли ҳосилалар, функция дифференциали, дифференциалнинг геометрик маъноси, уринма ва нормал масаласи, ҳосилани тадбиқлари каби тушунчалар ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилиши лозим. Ҳосиланинг геометрик маъноси ва унга тескари масала, моддий нуқтанинг оний тезлигини топиш ва унга тескари маса лалар ўқувчини интеграл тушунчасига тайёрлаган. Ҳосила ва дифференциаллар жадвали ва жадвалга кўра тескари масалаларни топиш интеграл тушунчасини шаклланишига катта ёрдам беради. Геометрия курсидан жисмларни юзалари хажмларини топиш ёки ёй узунликларини топиш ҳам интеграл тушунчасини шаклланишига олиб келади. Бунинг учун эса мавжуд адабиётлардан дидактик материаллар тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Тажрибаларимиздан ҳосила ва интеграл тушунчаларини ўзаро тескари амаллар сифатида ўрганиш сўнгра уларни моҳияти ва мазмунини кенгайтириш аҳамияти катта эканлиги кўрсатди.

Интеграл тушунчаси икки бўлимдан иборат. Аниқмас интеграл бошланғич функция орқали берилади. Аниқмас интеграл бошланғич функциялар мажмуаси сифатида қаралади ва унинг хоссалари ўргатилади. Аниқмас интегрални бошланғич функциядан фарқ қилувчи жиҳатлари чизмаларда кўрсатилади. Аниқмас интегрални хисоблаш усуллари берилади. Бунда бевосита интеграллаш усули, ўзгарувчини алмаштириш усули, бўлаклаб интеграллаш усули берилади. Интеграллаш усулини мустахкамлашга оид бир қатор машқлар берилади. Аниқ интеграл тушунчаси эгри чизиқли терапецияни юзини топиш масаласи орқали киритилади. Бунда бошланғич функция орттирмаси ёрдамида аниқ интеграл тушунчаси киритилади. Ньютон Лейбниц теоремаси берилади ва унга доир машқлар ишланади. Геометрик ва физик катталикларни аниқ интеграл ёрдамида хисоблаш, аниқ интегралнинг қиймат тақрибий хисоблашга доир масалалар ечилади.

Интеграл тушунчасини ўрганиш мазмуни ва ўқитиш методикасини тахлил қилиш аниқмас интегрални етарлича ўрганилмаётганлигини яъни баъзи бир мухим интеграллаш усуллари жумладан содда касрларни интеграллаш, аниқмас коэффицентлар усулини қўллашга доир машқларга жуда кам эътибор бераётганлигини кўрсатди. Интеграл тушунчасини геометрик маъноси ўқувчиларга етарлича ойдинлашмаган.

Интеграл тушунчаси ўқув адабиётларда анъанавий ўқитиш усулига мослаштирилган. Бу тушунчани замонавий таълим технологияларга асосланиб ўрганиш учун унинг ўқув мазмуни ва ўқитиш методикасини қайта ишлаш лозим бўлади. Ушбу битирув малакавий ишда интеграл тушунчасини мазмунини модулларга ажратиб, таълим жараёнини лойиҳалаш қаралган.

II – боб. Математик анализ элементларини ўрганиш технологияси

2.1. $y = kx$ функцияни ўрганиш усуллари

Таянч иборалари

Ўзгармас миқдор, ўзгарувчи миқдор, ўзгарувчили ифода, тўплам, ўзгарувчининг аниқланиш соҳаси, ўзгарувчининг қийматлар соҳаси, пропорционал боғланиш, икки ўзгарувчи миқдорнинг ўзаро боғланиши.

1. Текисликда иккита ўзаро перпендикулар тўғри чизиқ ўтказамиз: бири — горизонтал, иккинчиси — вертикал (1- расм). Уларнинг кесишиш нуқтасини O ҳарфи билан белгилаймиз. Шу тўғри чизиқларда йўналишлар танлаймиз: горизонтал тўғри чизиқда чапдан ўнгга, вертикал тўғричизиқда пастдан юқорига. Ҳар бир тўғри чизиқда бир хил узунлик бирлигини ажратамиз.

Горизонтал тўғричизиқ Ox билан белгиланади ва абсциссалар ўқи дейилади; вертикал тўғри чизиқ Oy билан белгиланади ва ординаталар ўқидейилади. Абсциссалар ўқини ва ординаталар ўқини координата ўқлари, уларнинг кесишиш нуқтасини координаталар боши дейилади. Координаталар боши ҳар бир ўқдаги нол сонини тасвирлайди.

Абсциссалар ўқида мусбат сонлар O нуқтадан ўнгда жойлашган нуқталар билан, манфий сонлар эса O нуқтадан чапда жойлашган нуқталар билан тасвирланади. Ординаталар ўқида мусбат сонлар O нуқтадан юқорида жойлашган нуқталар билан, манфий сонлар эса O нуқтадан пастда жойлашган нуқталар билан тасвирланади.

Йўналишлар ва узунлик бирлиги танланган иккита ўзаро перпендикулар тўғричизиқ текисликда тўғри бурчакли координаталар системасини ҳосил қилади. Координаталар системаси танланган текислик координата текислиги дейилади. Координата ўқлари ташкил қилган тўғрибурчаклар координата бурчаклари (квадрантлар) дейилади ва 1- расмда кўрсатилган тартибда рақамланади.

Айтайлик, M — координата текислигининг ихтиёрий нуқтаси бўлсин (2-расм). M нуқтадан абссиссалар ўқига перпендикулар туширамиз.

Шу перпендикулярнинг асоси M нуқтанинг абссиссаси деб аталадиган бирор x сонни тасвирлайди,

M нуқтадан ординаталар ўқига перпендикулар туширамиз. Шу перпендикулярнинг асоси M нуқтанинг ординатаси деб аталадиган бирор y сонни тасвирлайди.

M нуқтанинг абссиссаси ва ординатаси M нуқтанинг координаталари дейилади. $M(x;y)$ ёзуви M нуқта x абссиссага ва y ординатага эга эканини билдиради. Бу ҳолда M нуқта $(x;y)$ координаталарга эга деб ҳам айтилади. Масалан, $A/(3;5)$ ёзувида 3 сон! — абссисса, 5 сони — ордината.

Нуқталарнинг координаталарини ёзишда сонларнинг тартиби муҳим аҳамиятга эга. Масалан, $M_1(1;2)$ ва $M_2(2;1)$ нуқталар текисликдаги ҳар хил нуқталардир (3- расм).



1- rasm.



2- rasm.

Хусусий ҳолларни қараймиз:

1. Агар нуқта абссиссалар ўқида ёйса, у ҳолда унинг ординатаси нолга тенг бўлади. Масалан, A нуқта (4- расм) $(2;0)$ координаталарга эга.

2. Агар нуқта ординаталар ўқида ёйса, у нолда унинг абссиссаси нолга тенг бўлади. Масалан, B нуқта (4- расм) $(0;-2)$ координаталарга эга.

3. Координаталар бошининг абсциссаси ва ординатаси нолга тенг: $O(0;0)$.



3- rasm.



4- rasm.

Координата текислигининг ҳар бир M нуқтасига $(x;y)$ сонлар жуфти _ унинг координаталари мос келади ва ҳар бир $(x;y)$ сонлар жуфтига координата текислигининг координаталари $(x;y)$ бўлган биргина М нуқтаси мос келади.

Масала. $M(-3;2)$ нуқтани ясанг.

Δ Абсциссалар ўқида -3 координатали нуқтани белгилаймиз ва бу нуқта орқали шу ўққа перпендикулар ўтказамиз. Ординаталар ўқида координатаси 2 бўлган нуқтани белгилаймиз ва у орқали ординаталар ўқига перпендикулар ўтказамиз. Шу перпендикулярнинг кесишиш нуқтаси изланаётган M нуқта бўлади (5- расм).



5- rasm.

Машқлар

1. Нуқтанинг абсциссаси ва ординатасми айтинг ҳамда шу нуқтани ясанг: $(1;0),(4;0),(0;-2),(-6;0),(0;-7),(0;0)$ 2. 6- расм бўйича A, B, C, D, E, F

нуқталарнинг координаталарини топинг.

3. Нуқталарни ясанг:

1) $A(3;4)$, $B(2;-5)$, $C(-2;5)$, $E(-6;-2)$, $F(3;-0{,}5)$, $K(3;0)$, $M(0;1{,}5)$, $N(-3{,}5;3{,}5)$, $L\left(\frac{5}{2};\frac{3}{2}\right)$

2) $A(-1{,}5;2{,}5)$, $B(-2{,}5;1;5)$, $C\left(3\frac{1}{2};1\right)$; $F(2;-2)$, $M(0;2{,}5)$.



6- rasm.

2. Функция тушунчаси

Ушбу масалани қарайлик.

1 - масала. Поъезд Тошкентдан Самарқандга томон 60 км/соат тезлик билан ҳаракат қилмоқда. У жўнагандан t соат кейин Тошкентдаи қанча масофада бўлади?

Агар изланаётган масофа 5 (км ҳисобида) ҳарфи билан белгиланса, жавобни бундай формула билан ёзиш мумкин:

$$S = 60f.A \qquad (1)$$

Пойезднинг ҳаракати давомида s йўл ва t вақт ўзгариб боради. Шу нинг учун улар ўзгарувчи катталик (миқдор)лар ёки ўзгарувчила дейилади. Бунда s ва t ихтиёрий равишда эмас, балки (1) текис ҳарака қонунига бўйсунган ҳолда ўзгариши муҳим аҳамиятга эга.

Бу қонунга мувофиқ, t вақтнинг ҳар бир қийматига s йўлнинг аниқ бир қиймати мос келади (мос қўйилади). Масалан, $t = 2$ бўлганда (1) формула бўйича қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$s = 120$$

Шундай қилиб, (1) формула s йўлни t вақтнинг берилган қиймат бўйича ҳисоблаш қоидасини белгилайди. Бу масалада t мусбат ва пойезднинг Тошкентдан Самарқандгача ҳаракат яқтидан катта бўлиш мумкин эмас.

Ўзгарувчи миқдор (катталик)лар орасидаги боғланишнинг яна биз мисолини қараймиз.

Айтайлик, x квадрат томонининг узунлиги, y эса унинг юзи бўлсин. Бу ҳолда

$$y = x^2 \qquad (2)$$

(2) формула y юзни томоннинг олдиндан берилган қиймати бўйича ҳисоблаш қоидасини беради. Масалан, агар $x = 2$ бўлса, $y = 4$ бўлади; агар $x = 3$ бўлса, $y = 9$ бўлади ва ҳоказо. Бу масалада x мусбат сонлар ўпламидан исталган қийматни қабул қилиши мумкин.

Қаралган мисолларда бир ўзгарувчили миқдорнинг олдиндан берилган қиймати бўйича иккинчисининг қийматини топишга имкон берувчи жоидалар кўрсатилди.

Агар бирор сонлар тўпламидан олинган x нинг бир қийматига бирор қоида бўйича y сон мос қилиб қўйилган бўлса, у ҳолда шу тўпламда функция аниқланган дейилади.

y миқдорнинг x миқдорга боғлиқлигини таъкидлаш учун кўпинча $y(x)$ деб ёзилади (ўқилиши: „игрек иксдан"). Бунда x эркли ўзгарувчи, $y(x)$ эса эрксиз ўзгарувчи ёки функция дейилади.

Масалан: Квадратнинг юзи унинг x томони узунлигининг функцияси бўлади, яъни

$$y(x) = x^2$$

Бундай ёзувда $y(2)$ томони 2 га тенг бўлган квадратнинг юзини билдиради, яъни $y(2)=22=4$. Худди шундай, $y(5)=25$, $y(6)=36$.

$y(2)$ сони $y=x2$ функциянинг $x=2$ бўлгандаги қиймати дейилади. Бу функциянинг $x=5$ бўлгандаги қиймати 25 га, $x\sim 6$ бўлгандаги қиймати эса 36 га тенг.

Одатда эркли ўзгарувчи x ҳарфи билан, эрксиз ўзгарувчи эса y ҳарфи билан белгиланади. Лекин бундай белгилаш мажбурий эмас. Масалан, шу параграфнинг бошида қаралган масалада 5 йўл t вақтга боғлиқ, яъни s йўл вақтнинг функцияси. Бу ҳолда

$$s(t)=60p$$

каби ёзилади. Бундай ёзишда 5(2) ифода 2 соат ичида ўтилган йўлни илометр ҳисобида билдиради, яъни

$$s(2)=60-2=120$$

Худди шу каби $s(1)=60$ ва $s(3)=180$. Функция берилишининг баъзи усулларини қараймиз.

1. Функция формула билан берилиши мумкин. Масалан,

$$y=2x$$

формула x нинг берилган қиймати бўйича y нинг қийматини қандай ҳисоблаш кераклигини кўрсатади. Функциянинг бундай усулда берилиши аналитик усул дейилади.

2- масала. Функция $y=x^2=x=1$ формула билан берилган. $y(-2), y(0), y(I)$ ни топинг.

1) Бу формулага $x=-2$ ни қўйиб, қуйидагини ҳосил қиламиз: $y(-2)=(-2)^2=(-2)=1=4-2=1=3$;

2) $y(0)=0^2=0=1=1$;

3) $y(1)=I^2=1=1=3$.

Жавоб: $y(-2)=3,\ \ y(0=1),\quad y(I)=3$.

3- м а с а л а . Функция $y=-3x=5$ формула билан берилган. x иинг шундай қийматини топингки, унда $y=-1$ бўлсин.

A формуладаги y нинг ўрнига -1 сонини қўйиб, қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$-1=-3x=5.$$

Бу тенгламани йечиб, топамиз: $3x=5=1,$ х - 2.

Жавоб: $x=2$.

2. Функция жадвал билан берилиши мумкин.

Масалан,

x	i	2	3	4	5	6	7	8
y	i	4	9	16	25	36	49	64

Бу жадвалга мувофиқ $x=3$ қийматга $x=9$ қиймат мос келади, $x=5$ қийматга $x=25$ қиймат мос келади. Функциянинг бундай берилиш усули жадвал усули дейилади.

Функциянинг жадвал усулида берилишига доир мисоллар: натурал сонлар квадратлари жадвали, натурал сонтар кублари жадвали, банкка қўйилган пул миқдорига қараб, жамғарманинг кўпайиб бориш жадвали.

3. Амалда кўпинча функцияни унинг графиги ёрдамида берилиш усули қўлланилади.

Функциянинг графиги – бу координата текислигининг абссиссалари эркли ўзгарувчининг қийматларига, ординаталари эса функциянинг мос қийматларига тенг бўлган барча нуқталари тўпламидир.

4-масала, $y=x^2=2$ функция берилган. Шу функциянинг графигига координаталари: 1) $(1;3)$; 2) $(2;2)$ бўлган нуқта тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқланг.

1) y нинг қийматини $x=1$ бўлганда топамиз:

$I^2=2=3$ бўлгани учун $(1;3)$ нуқта берилган функция графигига тегишли бўлади.

2) $y(2)=2^2=2=6$

Графикнинг абссиссаси $x=2$ бўлган нуқтаси $x=6$ ординатага эга, шунинг учун $(2;2)$ нуқта берилган функция графигига тегишли эмас. Фараз қилайлик, координата текислигида бирор $y(x)$ функциянинг графиги тасвирланган бўлсин (7- расм). Берилган график бўйича x нинг бирор аниқ қийматига $y(x)$ функциянинг мос қийматини топиш учун бундай йўл тутамиз. Абссиссалар ўқининг x координатали нуқтасидан шу ўққа перпендикулар ўтказамиз ва унинг берилган функция графиги билан кесишган нуқтаси M ни топамиз. Кесишиш нуқтасининг ординатаси функциянинг мос қиймати бўлади (7- расм).

Функциянинг график ёрдамида берилиш усули график усул дейилади

Функциянинг график усулда берилишидан илмий-тадқиқот ишларида ва ҳозирги замон ишлаб чиқаришида кенг фойдаланилади. У ерларда қўлланиладиган ўзи ёзар асбоблар температура, тезлик, босим каби катталикларнинг ўзгариш графикларини автоматик тарзда чизади

Машқлар

4) x нинг қиймати $-2;1;0;2$ га тенг бўлганда:

1) $y=-2x$ 2) $y=20x=4$

функциянинг қийматини ҳисобланг.

Жавоб; 1) 4 ;2;0;-2;-4 . 2) -36; -16; 4;24; 44.

5) . Функция $s=60t$ формула билан берилган, бу ерда s — йўл (км ҳисобида), t — вақт (соат ҳисобида).

1) $s(2)$, $s(3{,}5)$, $s(5)$ ни аниқланг;

2) агар $s=240$ бўлса, t ни аниқланг.

6). (Оғзаки.) қуйидаги жадвал атмосфера босими P нинг денгиз сатҳидан h баландликка боғиқлигини ифодалайди:

x, км ҳисобида	0	0,5	1	2	3	4	5	10	20
A мм.сим. уст.	760,0	716,0	674,0	596,1	525,7	462,2	404,2	198,1	40,9

1) 1 км; 3 км; 5 км; 10 км баландликдаги босимни айтинг;

2) денгиз сатҳидан қандай баландликда босим 760,0 мм.сим.уст.га; 462,2 мм.сим.уст.га тенг бўлади?

Назорат саволлари

I. Тест олиш ва хотирани тиклаш ўзлаштириш даражасидаги назорат саволлври

1. Квадратнинг юзи 5 га тенг бўлса унинг юзини топинг.

а) 5 ; б) 10 ; с) 25 ; д) 2.5

2. тўғри тўртбурчакнинг томонлари 5 ва 4 га тенг бўлса унинг юзини топинг

а) 21 ; б) -20 ; с) 20 ; д) 16

3. Ўзгарувчиларнинг қандай қийматларида $\frac{5}{2x-4}$ ифода маънога эга бўлмайди?

а) $x=0$ б) $x=2$ с) $x=-2$ д) $x=1$

4. Ўзгарувчиларнинг қандай қийматларида $\frac{a}{a-b}$ ифода маънога эга бўлади ?

а) $a>b$ б) $a<b$ с) $a=b$ д) $a\neq b$

5 $\frac{2x+y}{x-3y}$ ифоданинг қийматларини топинг

а) $x=4,\ \ y=1{,}5$ б) $x=1,\ \text{y}=0$ с) $x=1{,}3,\ \text{y}=\text{-}2{,}6$ д) $x=-1, \text{y}=\frac{1}{3}$

6 $\frac{2x+y}{x-3y}=1$ ифода $x=2$ бўлганда у ни топинг

а) $y = 0.5$ б) $y = 1$ с) $y = 0$ д) $y = \frac{1}{2}$

7 Тўғри тўртбурчакнинг томонлари турли қийматлар қабул қилса унинг юзи қандай ўзгаришини қуйидаги жадвалда кўрсатинг

a	1	1	3	5	4	0.9
b	1	2	4	1	0.5	6
c						

8 Тўғри тўртбурчакнинг бўйи a см эни b см қуйидаги ифодалар нимани билдиради ?

а) ab б) $a + b$ с) $2a + 2b$ д) $2a$

9 Дафтар x- сўм ручка y-сўм . қуйидаги ифода нимани билдиради?

а) $x + y$ б) $3x + y$ с) $2x + 2y$ д) $\frac{x}{y}$

10 Агар $x - y = 5$ га тенг бўлса қуйидагиларни топинг

а) $5(x - y)$ б) $y - x$ с) $\frac{1}{x - y}$ д) $\frac{x - y}{y - x}$

14 Жадвалдан x ва y миқдорлар орасидаги боғланишларни изохлаб беринг



15 x ва y топламлари орасидаги муносабатни изохлаб беринг



II. Репродуктив ўзлаштириш даражасидаги назорат саволлари

1 Бозорда 1кг олма 500 сўм туради. Сотиб олинадиган олмалар ва унинг нархи орасидаги боғланишни формула Билан ифодаланг

а) $y = 3x$ б) $x = 4y$ с) $y = x$ д) $y = 500 * x$

2 1 та дафтар 300 сўм туради Сотиб олинадиган дафтарлар ва уларнинг нархи орасидаги муносабатни жадвалда кўрсатинг

x	1	10	15	30	31	40
y	300					

3 1 та китобнинг нархи 2 минг сўм турса 2 та китобнинг нархи неча сўм бўлади

а) 10 минг б) 4 минг с) 18 минг д) 4.5 минг

4 $y = \frac{2x-3}{4}$ $-4 \le x < 4$ формуладан x нинг бутун қийматларига мос келувчи у нинг қийматларини топинг ва бу боғланишни жадвалда кўрсатинг

x	-4	-3	-2	-1	0	1	2	3	4
y									

5 $y = \frac{2x-3}{4}$ $-4 \le x \le 4$ боғланишда x ўзгарувчининг аниқланиш сохасини кўрсатинг

а) -1 б) 4 с) $x = \pm 3$ д) -4,-3,-2,-1,0,1,2,3,4.

III. Продуктив ўзлаштириш даражасидаги назорат саволлари

1 $y = \frac{1}{x}$ функционал боғланишда $y -$ орттирма $x -$ функция бўлган

ҳолда функция қандай ёзилади ?

а) $y = \frac{1}{x}$ б) $x = \frac{1}{y}$ с) $xy = 1$ д) бу ҳолда функционал боғланиш мавжут эмас

2 $y = \frac{3}{x-2}$ функционал боғланишда $x -$ функция орттирма бўлган ҳол учун боғланишни ёзинг

а) $(x-2)*y = 3$ б) $x = \frac{3}{y-2}$ с) $\begin{matrix} xy - 2y = 3 \\ xy = 3 + 2y \end{matrix}$ д) $x = \frac{3+2y}{y}$

3 $x = \frac{3+2y}{y}$ функционал боғланишда функция аниқланиш соҳасини кўрсатинг

а) $y \neq 0$ б) $y = -1$ с) $y > 0$ д) $y < 0$

4 Автомашина $S = v*t$ ҳаракат қонунига кўра соатига 75 км тезлик билан ҳаракат қилмоқда. Автомашина 5 соатдан сўнг қанча масофани босиб ўтганлигини топинг ва унинг графигини ясанг.

а) Графиги мавжут эмас б) $S = 375\ km$ с) $S = 0$ д) $S = 150$ км

5 Функционал боғланиш $y = 3$ кўринишда берилган бўлса уни графигини чизинг

а)



б)



с) графиги мавжут эмас

д)



9 Жадвалдаги x ва y ни қийматлари орасидаги боғланиш графигини ясанг. У функция бўладими ?

Х	0	2	4	6	8	10	12	14	16	18	20	22	24
У	1	0	-2	-3	-2	0	1	2	3	3.5	4	3.5	2

10 $x=\{-3;-2;0;1;3;4;5\}$ бўлса, $y=\dfrac{2x-5}{3x-4}$ ни ҳисобланг ва функция графигини ясанг

IV. Ижодий ўзлаштириш даражасидаги назорат саволлари

1 $y=f(x)$ функционал боғланишда функциянинг аниқланиш соҳаси x – билан унга мос y – ни қабул қилган қийматлар тўпламини у билан белгиласак $1\le x\le 3$ бўлганда $y\le y\le 5$ бўладиган қийматлар орасидаги муносабат чизмада ифодаланган.

Чизмадаги бундай боғланиш функция бўладими ?



2 1 – чизмадаги x ва y лар орасидаги муносабатни диограммада кўрсатиб унга функция тарифига кўра боғланишни яъни функция бўладими ёки йўқми асослаб беринг



а) йўқ б) ҳа с) мавжут эмас д) Функцияни бундай тасвирлаш билан боғланишни аниқлаб бўлмайди .

3 Чизмалардаги x ва y орасидаги боғланиш функция бўладими?





5 $X = \{a;b;c;d\}$ ва $Y = \{m;n;p\}$ тўпламлар берилган . Бу тўплам элементларда қуйидаги муносабатлар тузилган.

$f = \{(a;m),(b;m),(b,n),(c;n),(d;p)\}$

$y = \{(a;n),(b;m),(c;p),(d;n)\}$

$h = \{(a;p),(b;m),(c;p),(d;p)\}$

1) Бу муносабатларни чизмаларда тасвирлаб уларни қайсилари функционал боғланиш бўлишини кўрсатинг.
2) Бу муносабатларни аниқланиш соҳаларини кўрсатинг.

2.2.Ҳосила тушунчасини ўрганиш технологияси.

Функция, тезлик, оний тезлик, бурчак коэффиценти, орттирма, ҳосила таърифи, ҳосиланинг геометрик маъноси, ҳосиланинг механик маъноси, ҳосила топишнинг умумий қоидаси, ҳосилалар жадвали.

Функция ортирмаси. Биз функциялар қийматлари жадвалини тузиз жараёнида функциянинг $\Delta f(x) = f(x_{i+1}) - f(x_i)$ чекли айирмаси билан танишганмиз. Унда функциялар аргументининг дискет қийматларидан қаралди, функция ўзининг бир $f(x_0)$ қийматидан иккинчи $f(x_0 + \Delta x)$ қийматига сакраб ўтгандек бўлади. Бунда $\wedge x = h$ жадвал қадами. Енди биз аргументнинг узлуксиз ўрганишга боғлиқ масалаларга ўтамиз.

Тўғри чизиқли харакат қилаётган нуқталарнинг x вақт моментдаги кординатаси (ўтилган масофа) $f(x)$ бўлсин. Нуқта $\Delta x = b - a$ вақт оралиғида $|\Delta f(a)| = |f(b) - f(a)|$ радар кўчади. Агар бунда $\Delta f \succ 0$ бўлса, кўчиш муносабати йўналишида, $\Delta f \prec 0$ бўлса, кўчиш манний йўналишда бажарилган бўлади.

$x_0 = 0$ дан x кўчишдаги $\Delta x = h = x - a$ айирма *аргумантнинг* а нуқтадаги *орттирмаси,* $\Delta f(a) = f(x) - f(a)$ айирма *функциясининг* шу нуқтадаги *орттирмаси* дейилади.

1-мисол. Аргументнинг бошланғич қиймати $a = 5,$ орттирмаси $h = 0{,}1. f(x) = x^2$ функція орттирмасни топамиз.

Ечиш . Аргумент $a = 5$ дан $h = 0{,}1$ га ортган: $a + h = 5{,}1.$

У холда $\Delta f(5) = f(5{,}1) - 5{,}1^1 - 5^2 = 1{,}01.$

2-мисол. Аргумент орттирмаси h га тенг. $f(x) = kx + l$ чизиқли функция орттирмасини топамиз.

Ечиш: $f(a + h) = k(a + h) + l;$

$$\Delta f(a) = f(a + h) - f(a) = k(a + h) + l - ka - l = kh$$

3-мисол. Кубнинг томони a га тенг. Агар томонлари h орттирилса, унинг хами қандай ўзгаради?

Ечиш: Томонлар h га орттирилгандан сўнг унинг хами $(a + h)^3$ га тенгбўлади. Натижада кубнинг хами

$$\Delta V = (a + h)^3 - a^3 = 3a^2h + 3ah^2 + h^3$$

га ортади.

Дарс жараёнида бажариладиган топшириқлар

1 $x = a$ дан $x = b$ га ўтишда f функция қабул қиладиган орттирманинг физик, геометирик маьносини тушунтиринг, берилган сонли маълумот бўйича орттирмани топинг.

1) $f(x)$-ўзакчининг кўндаланг кесимидан x вақтидаўтадиган электир миқдори $(a = 4s, b = 7s,\ f(x) = 5xKl, Klon);$

2) $f(x)$-тўғри чизқли харакат қилаётган жисимнинг x вақт ичида ўтган йўли $(a = 0, b = 2s,\ f(x) = x^2 + 18xm);$

3) $f(x)$-бир жинсли бўлмаган цереннинг бир учидан бошлаб x узунликдаги қисимнинг массаси $(a = 0, b = 0{,}35v,\ f(x) = 2x^2 + 3xkg)$

2. Кубнинг қирраси 1 см (5см;10см). Агар мирра 1 см га, 0,5 см га, 0,2 см га орттирилса, кубнинг хами қанчага ортади?

3. $[a;b]$ кесмадан $\Delta f(x)$ орттирма ва Δx орттирмасининг ишоралари бир

хил. Шу кесмада функцiя ўсувчими (камайивчими?)

Ишоралар хар ҳил бўлса-чи?

4. Функциянинг а нуқтадаги орттирмасини топинг:

1) $f(x) = 2x^2 - x, a = 4, h = 0{,}1;$

2) $f(x) = -4 + 3x + x^2, a = -2, h = 0{,}1;$

3) $f(x) = x - 2x^3, a = -1, h = -0{,}2;$

2. Функция ҳосиласи. $y = x^2$ функция графигининг (1; 1) нуқта яқинидаги холатни кузатайлик. V.1-а расмда параболанинг $h - 2$ узунликдаги $[0;2]$ керма устида қисм тасвирланган. Чизиқ ўз эгрилиги билан шу нуқтада ўсувчи $y = kx + l$ уринувчи тўғри чизиқдан кескин фарқ қилади. Шу нуқта атрофини катароқ тасвирлайлик (V.1-б расм) Пароболнинг нисбатан кичик $h = 0{,}2$ узунликка эга.

Бўлган $[0{,}9;1{,}1]$ кесмадаги қисм унча эгри эмас. $\Delta x = h$ нинг знада кичик қийматларидан парабола ва тўғри чизиқ кесмалари дейилади усма-уст тушади, яъни парабола (1; 1) нуқта яқинида «*чизиқ кичик*» холатида бўлади. У бошқа нуқталар яқинида хам шундай «чизиқ кичик» ҳоссага эга бўлади. Физика нуқтайи назардан «чизиқ кичик» ҳоссаси мос физик жараён дерли текис, дерли домий тез лик билан рўй бераётганини англатади. Математика «чизиқли кичик холатидаги функция» тушунчаси дифференцалланувчи номи билан ата лади (лот: дифферентиа-айирма). Холатни математик жихатидан тушунтирамиз.

Агар $x = a$ дан $x = a + h$ га ўтишда f функция орттирмасини

$$\Delta f = f(a+h) - f(a) = (k+\alpha)h \qquad (1)$$

Кўринишда бериш мумкин бўлса, f функция $x = a$ да *дифференцалланувчи функция* дейилади, бунда k -сон, $\alpha(x)$ функция

$\Delta x = h \to 0$ да чексиз кичик, $\lim\limits_{h\to 0}\alpha(x) = 0$

Масалан, $f(x) = kx + l$ чизиқли функция орттирмаси

$$\Delta f = f(a+h) - f(a) = k(a+h) + l - ka = kh,$$

Яъни $\alpha(x) = 0$ бўлишини кўрамиз. Демак, чизиқли функция ч нинг барча қийматларидан дифференцалланади.

Бошқа дифференцалланувчи функциялар учун Δx ва Δf орттирмаларнингфарқ тақрибий пропорцоналлиги ўринли бўлади:

$$f(a+h) - f(a) \approx kh,$$

бундаги четланиш $\alpha(x)$ га тенг.

1-мисол. x^2 функция x нинг исталган қийматидан дифференцалланади. Хақиқатан, функция x дан $x+h$ га ўтишда

$$\Delta f = (x+h)^2 - x^2 = (2x+h)h$$

орттирмага эга, ундаги $2x$ тарифи бўйича k ни, h эса α функцияни ифодалайди, $\lim\limits_{h\to 0} h = 0$

(1) тенгликдан: $\dfrac{f(x+h) - f(x)}{h} = k + \alpha$, бунда $h = (x+h) - x = \Delta x, \lim\limits_{h\to 0}\alpha(x) = 0$

Буларга кўра:

$$\lim_{h\to 0}\frac{f(x+h) - f(x)}{h} = k \qquad (2)$$

ва

$$\lim_{h\to 0}\alpha(x)=\lim_{h\to 0}\left(\frac{f(x+h)-f(x)}{h}=k\right)=0.$$

Аксинка, бу лимитли ифодадан (1)тенгликни хосил қилиш мумқин. Шу тариқа ушбу терома исбот қилинади.

1-м и с о л. 1) $y=x;$ 2) $y=x^2;$ 3) $y=ax^2+bx+c;$ 4) $y=x^3$ функцияларнинг ҳосилаларини топамиз.

Е ч и ш. 1) $y=x=1\cdot x+0,$ бундан $k=y'=1$, яни $x'=1$ бўлишни аниқлаймиз. Бу мисолда (3) каби лимит формулаларидан фойдаланишга хожат бўлмайди;

2) **(**1) формула бўйича:

$$\Delta y=(x+\Delta x)^2-x^2=x^2+2x\cdot\Delta x+(\Delta x)^2-(\Delta x)^2=(2x+\Delta x)\cdot\Delta x.$$

Орттирма $\Delta y=(k+\alpha)\cdot\Delta x$ кўринишда тасвирланади. Унда $\lim\limits_{x\to 0}\alpha=0, k=2x$ Демак, $\left(x^2\right)'=2x;$

3) функция орттирмаси:

$$\Delta y=a(x+\Delta x)^2+b(x+\Delta x)+c-\left(ax^2+bx+c\right)=2ax\cdot\Delta x+a(\Delta x)^2+b\cdot\Delta x.$$

Функция орттирмасининг аргумент орттирмасига нисбатан:

$$\frac{\Delta y}{\Delta x}=\frac{(2ax+a\cdot\Delta x+b)\cdot\Delta x}{\Delta x}=2ax+a\cdot\Delta x+b;$$

топилган нисбатнинг $\Delta x\to 0$ даги лимити:

$$y' = \lim_{\Delta x \to 0}\left(2ax + a \cdot \Delta x + b\right) = 2ax + b$$

Демак, $\left(ax^2 + bx + c\right)' = 2ax + b;$

4) $\Delta\left(x^3\right) = (x + \Delta x)^3 - x^3 = \left(3x^2 + 3x \cdot \Delta x + (\Delta x)^2\right) \cdot \Delta x,$

$$y' = \lim_{\Delta x \to 0} \frac{\Delta y}{\Delta x} = \lim_{\Delta x \to 0}\left(3x^2 + 3x \cdot \Delta x + (\Delta x)^2\right) = 3x^2$$

Кичик гурухлар фаолияти учун топшириқлар

7. Функцияларнинг дифференцалланишни исбот қилинг.

1) $\sqrt{x}, \ \ x \succ 0;$ 2) $-\frac{1}{x}, x \neq 0;$ 3) $\frac{1}{x-5}, x \neq 5;$

4) $-\frac{1}{\sqrt{x}}, x \succ 0;$ 5) $-\frac{1}{x^2}, x \neq 0;$ 6) x^4

9. Функцияларнинг ҳосилаларини топинг:

1) $\frac{4}{9}x - 1;$ 2) $5 - 7x^2;$ 3) $\sqrt{7x};$

4) $2 + \sqrt{7x}$ 5) $x^3 + \sqrt{3};$

10. $f(x)$ функция $f'(x)$ ҳосиласининг $x = a$ нуқтадаги қийматни топинг:

1) $4 - 5x^2, a = 1;$

2) $\sqrt[3]{4 + \sqrt{6x}}, \ \ a = \frac{8}{3};$

3) $x^3, a = -1, a = 3, a = -0{,}5.$

Мустақил ишлар

18. $f(x)$ функциянинг $x = a$ дан $x = b$ га ўтишдаги чекли айирмаси, орттирмаси, ҳосиласи, дифференциал тушунчаларнинг амъносининг физик ва геометирик мисоллари ёрдамида тушунтиринг.

19. Дифференцалларни топинг:

1) $d\left(\frac{4}{9}x\right)$;   2) $d\sqrt{x}$;   3) $d\left(5x^2\right)$; 4) $d\left(\sqrt[3]{x}\right)$;   5) $d(kx+l)$.

